



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
9 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 88
(12.412)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 7 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоё, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника ҳамда сайёҳлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлаганов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши 37 фоизни ташкил қилди.

Венгрия Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга катта эътибор билан қарайди, — деди Венгрия Республикасининг иқтисодий ва савдо вазирининг ўринбосари Роза Надь хоним. — Бизнес-форум доирасида кўплаб соҳаларга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу эса Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга

оширишда кенг имкониятлар очади.

Форумда венгриялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоё жалб этишнинг мўҳим йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасидаги ўзгаришлар, "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулайлик, имконият ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди.

Форумда Ўзбекистон ва Венгриянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлигини ривожлантиришга, Венгрия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Венгрия Республикасининг "VIKUV", "Genex", "Aquaprofit", "Agro-Chemie", "Hevesger", "CEN", "SUNWO", "Evopro", "MOL" каби қатор ирриқ фирма ва компаниялари Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-саноат, сармоё, банк-молия, энергетика, тиббиёт, фармацевтика, озиқ-овқат, кимё ва сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид қатор битимлар имзоланди.

Бизнес-форум аяқунда Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 8 ноябрь куни Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Чехия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Чехия савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё саноати, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фан-технология, фармацевтика, сайёҳлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлаганов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Чехия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармоёларни ўзаро ҳимоялаш ва

рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланди. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Мазкур комиссия мажлисининг мунтазам ўтказиб келинаётган йўзро савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда икки томон ҳам манфаддор эканидан далolatдир.

Мамлакатимизда 14 Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Чехиянинг 12 етакчи фирма ва компаниялари Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр алмашилди. Савдо, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, озиқ-овқат саноати, электр техникаси ҳамда сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Чехия компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗА.



ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда энергетика тизимини янада такомиллаштириш, аҳолини, ишлаб чиқариш иншоотларини узлуксиз электр қуввати билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жойларда қуз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик қўриш қатъий анъанaga айланган.

Пискент туманида ҳам қиш мавсумига пухта ҳозирлик қўрилди. Ушбу жараёнда амалга оширилган ишлар натижасида иссиқлик, табиий газ, электр қуввати таъминотидаги узиллишларга чек қўйилди.

Туманимизда 14 минг 449 хонадон ва 634 корхона ҳамда ташкилотга электр энергияси етказиб берилмоқда, — дейди туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари А. Назиров. — Қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида тумандаги мавжуд электр тармоқларида

жорий ва капитал таъмир ишлари низоҳисига етказилди. Жумладан, "Пискент" нимстанцияси тўла капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, жами 6,6 километр узунликдаги электр тармоқлари реконструкция қилинди ҳамда И. Хайдаров фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида янгидан 1,2 километр узунликда электр тармоғи тортилиб, трансформатор ўрнатилди. Қўчаларни ёритиш тизимини яхшилаш мақсадида "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти 50

миллион сўм ажратиб, қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Шу кунгача тумандаги хонадонларнинг деярли ҳаммаси замонавий электр ва газ хисоблагичлар билан таъминланди. Бу электр энергияси ҳамда табиий газни тежаш ва хисоб-китоб жараёнини тезлаштириш имконини бераётди.

Республика Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоятда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўтган вақт давомида Пискент тумани Оқтепа қишлоғидаги "Бирлик" маҳалласида 32 та уй-жой бунёд этилди. Бу тураржой даҳасини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, қуз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрлаш мақсадида битта трансформатор ва симёғочлар ўрнатилиб, 500 метр узунликда сим тортилди.

СУРАТДА: Пискент туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Суннатулло Қодирқулов (ўртада) чилангарлар Умар Жўраев ва Жаббор Ҳақимовлар билан суҳбатда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

■ ИНСОН ВА ҚОНУН

"Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Президентимиз Ислам

биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари шарт, деган буюк мақсадни танлади. Мустақил давлатимиз

лар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби йўналишлардаги ислохотлар

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 14-модда).

СОҒЛОМ КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди

Каримовнинг мустақиллигининг илк йилларида айтган бу сўзлари мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадни, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Ўзбекистон анча узоқни кўзлаб, фарзандларимиз

тарихидаги илк ордени "Соғлом авлод учун" деб номлангани ҳам бунинг далилидир.

Кейинги йигирма йил давомида бу мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бола-

бир-бирини тўлдириб, яхлит тизимни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сихат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол

авлод йили" муносабати билан мамлакатимизда аниқ мақсадли давлат дастурлари изчил амалга оширилди. Мамлакатимизда ўта юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди, аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга ортди, оналар ва

да ота-оналар билан бирга таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор услубларидан самарали фойдаланиш мўҳим аҳамиятга эга.

ШАХСИЙ ГИГИЕНА — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Халқ таълими вазирлиги ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) "Саломатлигини — тоза қўлларда" лойиҳаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган тадбирлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги Мактаб-гача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-услубий марказида шахсий гигиена қондаларини ўқитиш услубларини такомиллаштиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Унда Республи-

ка саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари, пойтахтимиздаги оилавий поликлиникалар ходимлари ва услубчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналарда тиббий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган тўб ислохотлар ҳар жиҳатдан соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини янада оширишга хизмат қилаётди.

Семинарда болаларда шахсий гигиена маданиятини юксалтириш борасида жаҳон тиббиётини қўллаётган илғор услублар, юқумли хасталиклар, ўткир ичак ва оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олишда ушбу замонавий профилактика услубларидан фойдаланиш самаралари таҳлил этилди ва уларни амалда қўллаш юзасидан тажриба алмашилди.

ЎЗА.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташкил этган тадбирда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф. Ражабов, Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б. Алимхўамедов, Ўзбекистон Марказий банк департаменти директори А. Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган қўли ижтимоий ҳимоя сиёсати халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимизни барқарор ривожлантиришда мўҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган дастур ва лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарамай, юртимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадларини оширишга эришилмоқда.

Айниқса, кичик бизнес, қасаначилик, оилавий ва хусусий тадбиркорлигини, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қишлоқ жойларда яратилган 512 мингдан зиёд янги иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик улushiга тўғри келгани бунинг далилидир.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам — доимий эътиборда. "Кол-

леж-корхона" ҳамкорлигини кенгайтириш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг бизнес гоёларини қўллаб-қувватлаш юзасидан жамоат ташкилотлари ва молия муассасалари томонидан қўллаб-таъдбирлар ўтказилмоқда. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилгани бу борада мўҳим омили бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, хизмат кўрсатиш, сервис ва инфратузилма объектларини, транспорт-коммуникация лойиҳаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ устувор вазифалар бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Семинарда қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш борасида қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш, айниқса, оилавий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ТОПИНАМБУР ИНДУСТРИЯСИ:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Ўзбекистонда топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда топинамбурнинг "Файа барака" ва "Мўъжиза" элита уруғларини етиштириш, вилоятларда топинамбур уруғчилик фермер хўжаликлари ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, топинамбур етиштириш тажриблари Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида турли иқлим ва тупроқ шароитларида синовдан ўтказилмоқда.

Илмий-амалий анжуманда турли фан соҳа олимлари, тадбиркорлар фермерларнинг топинамбур индустрияси муаммолари ва амалиётга тегишли илмий мақолаларини тўплам шаклида чоп этиш режалаштирилганлиги таъкидланди. "Туризм-пресс".

2012 йил учун
ОБУНА
бошланди.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси — 205.

ДАВЛАТ ГРАНТИ СОҲИБЛАРИ

«МУРУВВАТ» ТАНЛО ҒОЛИБИ

Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими республика Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди уюштирган грант танловда ғолибликни қўлга киритиб, 8 миллион сўмга эга бўлди.

Жамиятнинг меҳнат қилишга иштиёқманд аъзолари кўп. Дастлаб, вилоят шаҳар ва туманлари ногиронлари учун кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорлик ва касаначиликни, халқ хунарамандчилиги соҳасида ишлашни хоҳловчиларга ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ногиронлар жамиятининг шўба корхонаси учун низом яратилди. Ҳозирги кунда жамиятга бошчилик қилаётган янги раис Йўлдош Ёқубов бу хайрли ишларни давом эттиришга астойдил бел боғлаган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бошқалар қатори ногиронларнинг ҳам иш билан таъминланишига катта эътибор қаратилмоқда, – дейди у. – Вилоят ногиронларига давлатимиз ажратган грант ҳам шу мақсадга йўналтирилганлиги шубҳасиз. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш учун

жамият қошида "Мурувват" ўқув-ишлаб чиқариш шўба корхонасини ташкил этишни мўлжаллаяпмиз.

Ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисидаги Қонунга кўра, вилоят ҳудудида истиқомат қилувчи ногиронларнинг кундалик муаммоларини ҳал этиш, ўқитиш, даволаш, янги иш ўринларини яратишда "Мурувват"нинг аҳамияти катта бўлади. Зеро, бу ўқув марказида вилоят шаҳар ва туманларидан келган ногиронларга курслар ташкил этилади. "Уста-шогирд" йўналишида ҳар ким хоҳлаган касб бўйича (тиқувчилик, тўқувчилик, тасвирий санъат ва бошқа) ўқиб-ўрганиш имкониятига эга бўлади. Ҳозир "Мурувват" шўба корхонаси учун жой танлаш мақсадида елиб-югуриб юрибмиз. Бу масала ҳал бўлган, ўқув курсларини бошлаб юборамиз.

Саида РАҲМОНОВА.

Аҳолини сифатли ва арзон нархдаги асал маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Тошкент асаларичилар уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиз бозорларида ташкил этилган анъанавий асал байрами давом этмоқда. Унда пойтахт ва Тошкент вилояти асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётди.

ТОШКЕНТДА АСАЛ БАЙРАМИ



Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини

на ошириш борасида кенг қўллам ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асаларичилик ри-

вожи учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда.

Тошкент шаҳри ва вилоятида асаларичиликка ихтисослашган 250 субъект фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида икки юз тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Ушбу маҳсулотлар шаҳар бозорларида ташкил этилган асал байрами савдо ярмаркалари орқали аҳолига етказиб берилаётди.

Асал байрамларида шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар шифобахш маҳсулотнинг йигирмага яқин ноёб турини арзон нархларда харид қилиш, соҳа мутахассисларидан асалнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумот ва маслаҳат олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Асал байрами пойтахтимиздаги "Авиасозлар", "Фарход", "Олой" ва "Юнусобод" бозорларида декабра ойининг охирига қадар давом этади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА муҳбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Жамиятни модернизациялаш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида мамлакатимиздаги жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлаш ва фаолият қўланини кенгайтириш мақсадида икки юздан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ислохотларни амалга оширишда жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган. Мақсуд вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кенг қўллам ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу борада тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш асосида иш олиб боради.

аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик қонунчилигини ижросини таъминлашда фуқароларнинг бурч ва масъулиятини ошириш, барқарор ривожланишга йўналтирилган тадбирларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги "2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва журналистлар иштирокида қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбирот-тушунтириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Табиати муҳофаза қилишга оид давлат нозаратининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш ва ундан жамо-

атчилиكنинг хабардорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида махсус жамоатчилик кенгаши тузилди.

Унинг таркибига Ўзбекистон Экологик ҳаракати, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Экосан" жамғармаси, экологик нодавлат нотижорат ташкилотлар экофоруми каби жамоат ташкилотлари, экология йўналишига ихтисослашган илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлиари олимлари, Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари киритилди.

Мақсуд жамоатчилик кенгаши аъзолари Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, меъриё-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этади.

ЎзА.

ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ НАМОЙИШИ

Россиянинг Екатеринбург Санъат музейида ўзбек миллий ҳунаромандчилиги намуналари акс этган "Чархпалак – сайёрамиз чамбараги" номли кўргазма кўриб бoшладик.

Кўргазма экспозициясида асосан Марказий Осиёнинг энг қадимий ҳамда йирик қўлчилик марказларидаги бири бўлган "Риштон қулоқ" авлодларининг ижод намуналари тақдим этилаётди. Шунингдек, ўзбек матолари, тўқимачилик маҳсулотлари, бадиий кашта, патдузи ва зардузи асосида тикланган матолар, бош қийим-

лар, Бухоро ва Самарқандча нимча, сўзана ва келинлар либоси, миллий ўйинчоқлар йиғилганларда катта таассурот қолдиришди.

МИКРОКРЕДИТ УЧУН СЕРТИФИКАТ

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"ни амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Маърузачи ва нотиклар асосий эътиборни инқирозга қарши қўрилаётган чора-тадбирларда, айниқса, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, қишлоқларда энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қўшилган қиймати юқори товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар барпо этишда халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларидаги партия гуруҳлари ишини фаоллаштириш масалаларига қаратишди.

Партия электратининг 16 вакили тижорат банкларида хусусий тадбиркорлик ишларини бошлаш учун 174 миллион сўмдан ортиқ микрокредит учун сертификат олди. Умуман, йил бошидан буён партия электратининг 120 дан ортиқ вакили оилавий ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинди.

Иштирокчилар айрим шаҳар ва туман партия кенгашлари ижрокчилари халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг сулғистлиги ва ташаббусчилиги билан келишиб келаятганини кўрсатиб ўтишди, раҳбар партия идоралари қарорларини бажаришда уларнинг ташкилотчилик ва мувофиқлаштирувчи роли сезилмаётганини таъкидлашди.

Жўрабек МУРОДОВ.

АКС-САДО

Хурматли тахрир! Мен "Тошкент ҳақиқати"нинг шу йил 28 сентябрь сонидида "Зўравон жазоланди" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолани ўқиб, ушбу хатни ёзишга жазм этдим. Аввало, ўзини таништирай. Ҳазал-кентда туғилиб ўсдим. Техникага ихлосим баландлиги туфайли Чирчиқдаги 12-хунара-техника билим юртида ўқиб, соловчи касбини эгалладим. Мустақиллигини дастлабки йилларидан бошлаб хусусий тадбиркорликка киришдим. Шахсий юк машинаси сотиб олиб, 1999 йилгача аҳолига, айрим кичик корхона ва ташкилотларга транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулландим.

Бирмунча муддат ўтган ота касб – дурадгорликка хавас-мандлигим қунайиб, машинани сотиб олбордин. Уни қайноғам (мақола қаҳрамони) Карим Қўронов сотиб олди. Лекин ўз номига расмийлаштиришни қўзғаведди. Очиги, мен ҳам бироз ҳафсаласиз бўлдим.

Дурадгорликка киришиб кетдим. Буюртма асосида мебель ясай бошладим. Қисқа фурсатда 14 шогирд тайёрладим. Ўзини чизмаларини чизиб, ясаган диван, стенка, трюмо ва бошқа тур-

даги мебеллар буюртмачиларга маъқул бўлиб, қисқа фурсатда миқозлар қўла-йиб, ишим юришиб кетди. Хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ушбуларим учун 2001 йили "Мустақиллигининг 10 йиллиги" кўкрак нишони

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚМИ?

билан муқофотлашди. "Ташаббус – 2004" кўриктанловининг туман босқичида биринчи ўринни эгалладим, вилоят босқичида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландим.

Афсуски, қайноғаларимдан кўп жабрландим. Улар кўз қўриб, қулоқ эшитмаган тухматлар билан мени қаматишга уринишди. Ака-укаларнинг кирдиқорларидан хабардорлигим уларга асло татбиқий экспертизаси аниқ-лаганидек, енгил тан жароҳати етказди. Токатим тоқ бўлиб, ўзини ва оиламини химоя қилидим, муштумзўрларни хонаю ховлидан қувиб чиқардим. Улар ўзлари келган оқ "Нексия"га ўтириб

жўнашди. Лекин кўп ҳам олислашмай, чорраҳадан яна орқага қайтишди. Қўни-қўшиллар олдида менга яна дўқ-пўписа қилиб, ҳақорат-лаб бошлашди. Шундан кейин мен ўзини тутта олмадим. Ховлида бир тахтача

қўлимга тушиб қолди. Маҳкамнинг пешонасига уриб, йикитдим. Ҳалиги "разбор-шиқ"ни ҳам калтаклашга тушдим. У Маҳкамни машинага олиб жўнаб кетди. Мен касалхонада ётиб даволанишга тўғри келди. Бироқ, мен ҳеч қаерга муқофат қилиб ўтирмадим.

Барибир, кўп ўтмай мени аввал милличиқа, кейин эса судга қақриб, сўроқ қилишди. Бўлган воқеани айтиб, тегишли ҳужжатларни тақдим қилдим. Қўшиллар гувоҳлик беришди. Қисқаси, суд муштумзўр Нурриддин Эргашевни ҳам, уни ховлимга бошлаб келган Маҳкам Имо-

малиевни ҳам қонун асосида жазолаб, ҳукм чиқарди. Шу орада Карим Қўронов маблагга муҳтож бўлиб, бироз пул сўради. Шу боис менга ҳам, оиламга ҳам меҳир-бон бўлиб қолди. Ўз қўли билан "Ўзимга тегишли бўлган ернинг 5 гектарини Мўминов Анвар ҳамда сингли Барнога фойдаланиш учун бераман, агар сўзимдан қайтсам, олган пулимни икки баравар қилиб қайтараман" деб тилхат ёзиб берди. Шундан кейин унинг дала ишларига қўмаклашиб юрдим. 2006 йил қузида Карим Қўроновнинг ўғиллари билан олма тердик. Кейин маълум бўлишча, бу олмазорлар "Жонибек Айдош" фермер хўжалигига тегишли экан.

Шундан кейин улар билан алоқани бутунлай уздим. Яна менга нисбатан муносабатлари кескинлашиб кетди. Мени, оила аъзоларимни ҳақоратлашни авж олдириб юборишди. Мана шундай нотинчликлардан безор бўлиб, титиним Барно Мўминова Россияда яшовчи опаларининг ҳузурига кетиб қолди...

Хурмат билан,
Анвар МўМИНОВ,
Ҳазалкент шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 55-уй.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик байрами тадбирлари доирасида Буюк Британияда Ўзбекистон тарихига бағишланган семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси ва Британия – Ўзбекистон жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Британия парламенти, ташки сийасат маҳкамаси, экспертлар ва ишбилармон доиралар, олий ўқув юртлиари вакиллари ҳамда Британия – Ўзбекистон жамиятининг аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари ўз сўзида ўзбек халқи эга бўлган ноёб тарихий мерос мавзусига тўхталар экан, юртимиз жaxon маданиятининг тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Тарихдан маълумки, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари кесишган чорраҳада жойлашган заминимиз кўп асрлар давомида муҳим аҳамият касб этган ҳудуд ҳисоблангани ҳолда буюк империяларнинг, жумладан, Бақтрия, Сўғдиёна ва Искандар Зулқарнайн салтанатларининг тараққиёти ва инқирозига гувоҳ бўлган.

Учрашувда мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритган шарофати билан тарихий фани муносиб даражага қўтариш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди.

Тарихий тадқиқотлар олиб борилишида олимларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ва рағбатлантирилгани ўзбек халқи тарбиялаб етиштирган олим ва мутафаккирлар нафақат минтақа, балки бутун жaxon цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасининг теран идрок қилинишига, шунингдек, тадқиқотлар сифатининг ошишига қўмаклашди.

Бунда бугунги авлодга қадар мозий солномаларининг етиб келишида Европа вакилларининг, хусусан, Марко Поло и Руй Гонзалез де Клавихо сингари тарихий шахсларнинг хизмати катта эканлиги алоҳида тилга олинди.

Тадбир чоғида Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Осиё ва Яқин Шарқ тадқиқотлари факультети томонидан шу йил 18 октябрдан эътиборан Кембриж университетидан ўзбек тилини ўрганиш курслари иш бошлагани маълум қилинди.

Семинарда Кембриж университетининг профессори Чарлз Мелвилнинг Ўрта Осиё тарихи мавзусига бағишланган бош маърузаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Тинловчиларнинг асосий эътибори ўзбек халқининг буюк бобоқалонлари – инсоният тарихида қудратли салтанатга асос солган Амир Темур, жаҳондаги илк расадхона ва юлдузлар харитасини яратган Мирзо Улуғбек, Бобурийлар салтанатига асос солган Заҳририддин Мухаммад Бобур, дунё тиббиёт фанининг отаси Абу Али ибн Сино ҳамда бошқа улўғ олим ва мутафаккирларимиз ҳақидаги тарихий маълумотларга қаратилди. Улар қаторида Ислам цивилизациясининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий номи ҳам алоҳида тилга олинди.

Жаҳон АА.
Лондон.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-хунара коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилинди:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Бекобод саноат касб-хунара коллежи	Бекобод шаҳри, Акмал Икромов кўчаси
2	Бекобод агросервис ва иқтисодиёт касб-хунара коллежи	Бекобод тумани, Қиёт қфй, Найман маҳалласи
3	Бўқа тумани "Бўстон" қишлоқ хўжалиги касб-хунара коллежи	Бўқа тумани, Бўстон фермерлар уюшмаси
4	Бўстонлик қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунара коллежи	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Амангелди кўчаси, 3-уй
5	Бўстонлик тумани Ҳазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунара коллежи	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Амангелди кўчаси, 3-уй
6	Зангиота озиқ-овқат касб-хунара коллежи	Зангиота тумани, Эркин қўроғи
7	Олмалик қончилик касб-хунара коллежи	Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 45-уй
8	Охангарон педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Охангарон тумани, Дўстлик қишлоқ фуқаролар йўғини, Гулубод қишлоғи
9	Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа қишлоғи, 1-уй
10	Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунара коллежи	Чиноз тумани, Афғон маҳалласи, Б. Ғофуров кўчаси
11	Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи	Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй
12	Чирчиқ ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи	Чирчиқ шаҳри, Темирйўл кўчаси, 128-А уй
13	Чирчиқ техника касб-хунара коллежи	Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 1-уй
14	Чирчиқ саноат касб-хунара коллежи	Чирчиқ шаҳри, 22-кичи ноҳия, Бобур кўчаси, 22-уй
15	Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунарамдчилик касб-хунара коллежи	Янгийўл тумани, А. Ортиқов қфй
16	Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунара коллежи	Зангиота тумани, Қўқсарой қўроғи
17	Паркент педагогика ва иқтисодиёт касб-хунара коллежи	Паркент тумани, Заркент қфй, Янгиобод маҳалласи
18	Қўйи Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи	Қўйи Чирчиқ тумани, Беруний қишлоғи

1. Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда солиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-хунара коллежининг таълим йўналишининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумотли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунара коллежининг соҳа йўналишига бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 18 январдаги 89Қ/Қ, 01/ҚҚ ва 01/ҚҚ-қарори билан ўзгартириш қилиб тасдиқланган, 2010 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-2-сон билан рўйхатга олинган ва юқорида баён этилган малака талабларига жавоб бериши керак.

2. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман, шаҳар (шарҳ) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Суренома;
5. Таржималар ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксероноусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксероноусхаси
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепцияси);
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксероноусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксероноусхаси (тураржойи бўлса);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксероноусхаси;
14. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Муқофат учун манзил: Тошкент вилояти, Қиррай тумани, Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 150-40-37, 777-23-90.

ИНСОН ВА ҚОНУН

КАСАЛНИ
ДАВОЛАГАНДАН КЎРА...

Маълумки, соғлом авлод-ни, соғлом наслини тарбиялаш учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазибаларни бажариш, узокни кўзлаб иш тутиш керак. Аввало, ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёт қолдиришни ўйлаши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилнинг 5 октябрида қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ана шундай узокни ўйлаб ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатдир. Ушбу қонун фуқаролар, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ихтимолӣ ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришининг таъкиллий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилган.

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давомидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Саломатлик — 2" лойиҳаси мутахассиси Шўхрат Шўкуров. — Чунки фуқаролар соғлигини сақлашда сифатли табибий хизмат, мустаҳкам моддий-техник база билан бир қаторда соғлом турмуш тарзи таъминлари ҳам муҳим ўрин тутди. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун фуқароларни ушбу маҳсулотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, салбий оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасидаги тарғибот-тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш, шу билан боғлиқ касалликларни камайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

...Тиббиётда касални даволагандан кўра, унинг олдин-илгари олган-афзал, деган қонда бор. Дейлик, алкоголь ёки тамакига қарам бўлиб қолган бир инсоннинг соғлигини тиклаш учун қанчадан-қанча маблағ, вақт ва куч-ғайрат сарфланади. Уни тўла соғлом ҳаётга қайтариш эса янада қийин. Бундай кишиларнинг сафи ортгани сайин жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига путур етиб, турли ихтимолӣ-иктисодий муаммолар келиб чиқаверади. Агар ҳар бир одам ўзи ва фарзандлари соғлиги ҳақида қайғурса, бутун жамиятда шундай муҳит шаклланса, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

БИРНИ КЎРИБ
ФИКР ҚИЛ...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ўлим ва ноғиронликка сабаб бўлувчи 20 омил орасида алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиниши етакчи ўринлардан бирида туради. Дунёда мастлик билан боғлиқ касалликлар ва жароҳатлар тўғрисида йилга 2,5 миллион одам вафот этади. Аянчлиси, уларнинг 320 мингдан ортигини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

— Ичкиликбозлик оқибати-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан инсоннинг юрак-кон томи фаолиятида, асаб тизимида, мия, жигар ва бошқа органларида жиддий ўзгаришлар юз беради, — дейди Тошкент шаҳар наркологи диспансерининг бош врач Олғ Мустафин. — Бундан беморнинг нафақат ўзи, балки оила аъзолари, яқинлари ҳам азият чекади. Алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилинганда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, йўл-транспорт ҳодисалари хавфи кескин ошади. Оқибатда фуқароларнинг жароҳатланиши ва ҳалок бўлиши, давлат ва жамоат ҳуқуқига зарар етиши ҳам кўпаяди.

Энг ёмони, ичкиликка руҳу қўйган одамдан руҳий ва жисмоний нуқсонли болалар дунёга келиши эҳтимолӣ юкори. Бундай болалар эса давлат ва жамият учун катта ташвишдир.

турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳар томонлама соғлом фарзандлар туғилишига эришиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мақсади ва аҳамиятини яққол намоён этади. Шу билан бирга, бундай кўнгилсиз вазият бизнинг юртимизда ҳам рўй бермаслиги учун ҳозирданок оғох ва ҳушёр бўлишимиз лозимлигини аналатади.

СИГАРЕТ БОРМИ,
АМАКИ?

Бугун мамлакатимизда табиркорлар учун яратилган кенг имкониятлар самарасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш кўлами ва сифати тўғрисида ўсмоқда. Аммо орамизда шундайлар ҳам борки, уларнинг фаолияти на савдо маданиятига, на қонун-қондага тўри келади. Аҳоли гавжум жойларда, катта йўл

зан ўзини кўрсатиш, зерик-киш, баъзан қимгадир тақлид қилиш, ҳатто, суҳбат орасидаги ўнғайсизликни енгил-каби арзимас нарсалар ҳам сабаб бўлади.

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг 2-боби тўла ушбу маҳсулотларнинг салбий таъсири профилактикасига бағишланган. Хусусан, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, қороналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бу борадаги ваколатлари аниқ белгиланган. Энди улар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, бундай маҳсулотларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг бажарилиши устидан

лиги мустаҳкамлаб қўйилди. Унга кўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадиий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

— Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг чекланиши меҳнат унумдорлигига, жамоат тартибига, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва саломатлигини сақлашга ижобий таъсир қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Қомил Очиллов. — Шу билан бирга, собиқ шўро замониде бўлган каби, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатишни бутунлай тақиқлаб ҳам бўлмайди. Чунки бу ҳар хил қалбаки маҳсулотларни яширин равишда ишлаб чиқаришга олиб келади. Уларни истеъмол қилиш эса аҳоли соғлиги ва мамлакат иқтисодиётига янада кўпроқ зарар етказиши.

"Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини баҳолаш, ушбу маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, реализация ва импорт қилинишини тартибга солиш, алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ва руҳий-психологик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш борасидаги меъёрлар ҳам ўз ифодасини тогган.

— "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда "Алко-

голь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган кўплаб ўчрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бош мутахассиси Бекзод Маматқулов. — Уларда аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар мазкур қонунни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ўзларининг аниқ ва асосли фикрларини билдирмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ёшлари иччи-чекиш каби зарарли одатларни бутунлай қоралаши, унинг ўрнига билим олиб, ҳунар эғаллаб, спорт билан шуғулланиб, ўзини ҳар жиҳатдан юксалтиришни афзал билишини аналгатади.

...Вақт ўчқур, йилдирган. Бугун атак-чечак қилаётган болалар кўз очиб юмғунча воғга этади. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун эса уларнинг соғлом турмуш таъминлари асосида улғайишида муҳим омил бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Ватанимизнинг келажиги, ҳалқимизнинг эртанги қуни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввало бор фарзандларимизнинг уйи-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



«ОЛТИН КУЗ» БАЙРАМИ

Янгийўл туманидаги 19-мактабгача таълим муассасасида "Олтин куз" байрам тантанаси бўлиб ўтди. Болажонлар томонидан театрлаштирилган шоу-концерт дастури шеърхонлик кечасига уланди. Барча чиқишларда куз саховати намойиш қилинди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими, мактабгача таълим муассасаси вакиллари ҳамда ота-оналар ўз фарзандлари чиқишларини мароқ билан томоша қилишди.

— Бизнинг 19-мактабгача таълим муассасамизда 140 дан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олади, — дейди муассаса мудириси Дилором Худойберганаева. — Улар турли тўғарақларда шуғулланишади. Алоҳида

ўйинхоналар, ётоқхона, ошхона ва спорт заллари болажонларимиз ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб ўсишлари учун хизмат қилмоқда. "Олтин куз" тадбири муассасамизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЯХШИЛИККА
ЕТАКЛОВЧИ НАВО

Республика байнал-минал маданият марказида алла ижрокчлари фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, "Алла уйи" маданий-маърифий маркази ҳамда "Меҳмон-дўстлик ва ахборот хизмати" республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда ижодий ва жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этиди.

Миллий урф-одат, анъана ва маросимлар миллият руҳини намоён қилувчи омил ҳисобланади. Ўзбек миллий урф-одатлари орасида алла алоҳида аҳамият касб этади. Ғудакнинг ўзи туғилиб ўсган заминга бўлган муҳаббати, садоқати, маънавияти, гўзал инсоний фазилатларининг шаклланишида она алласининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Она алласи ҳар бир миллат тилида ўзига хос янграйди.

Дўстлик ва ҳамжихатлик байрами тарзида ўтказилган анжуманда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари томонидан аллалар ижро этилди. "Туркистон-пресс".

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН
ФОЙДАЛАНАЁТГАН БАРЧА
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА

Шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб

"Тошкент ЭТ" ОАЖ томонидан шартномалар тузиш кампанияси бошланди. Шу боис Тошкент вилояти электр энергиясидан фойдаланаётган барча истеъмолчилар 2012 йил электр энергия истеъмоли шартномасини тузишлари зарур.

2009 йил 5 июндаги 150-сонли ЎЗР ВМ Қарорининг 8 бандига асосан АСКУЭ тизимини яратмаган истеъмолчилар билан 2012 йилга шартнома тузилмади.

2012 йилга шартнома тузмаган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилади. Шу билан бирга, Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларига мувофиқ электр энергия таъминоти қорхонаси узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермайди.

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ.

Утерянную трудовую лицензию за № 053465, выданную Агентством по вопросам внешней трудовой миграции, Министерства труда и социальной защиты граждан Республики Узбекистан на гражданина Китайской Народной Республики Lin Hui (Лин Хуй) (паспорт серии J 27149483),

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

Учтепа тумани ТСРҲИ томонидан 2010 йил 19 февралда № 000903-01 реестр раками билан рўйхатдан ўтган "ANVAR BAYOT" (ИНН 206006360, ОКОНХ 71280) масулюяти чекланган жамиятининг Устав фонди 12 870 000 (ўн икки миллион саккиз юз етмиш минг) сўмдан 2 300 000 (икки миллион уш уз минг) сўмга камайтирилганини маълум қилади. Тел.: 128-84-82.

Тошкент шаҳар, Миробод ТЭТ томонидан 2011 йил октябрь ойида Шамсуддинов Аслиддин Икрамиддиновичга берилган 0280601 дан 0280625 гача бўлган квитанция ва-рақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СП ООО "MARMAKS", зарегистрированное Министерством юстиции РУз, свидетельство о регистрации № 2306 от 16.10.2009г., сообщает о реорганизации путем присоединения к нему ООО "MEGA DEVELOPMENT". СП ООО "MARMAKS" становится правопреемником ООО "MEGA DEVELOPMENT" по всем его обязательствам в отношении всех его кредиторов и должников.

"SOFIYA GOLDEN" масулюяти чекланган жамияти "REAL DEVELOPMENT" масулюяти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади. "REAL DEVELOPMENT" масулюяти чекланган жамияти "SOFIYA GOLDEN" масулюяти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Утеранный диплом КТ № 837572, выданный в 1987 году Ташкентским педагогическим колледжом (бывший Ташкентский педагогический училище им. Н. К. Крупской) на имя Закировой Муассархон Рахимжановны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 14 декабрь соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. БИТТА ПАКЕТ БИЛАН:

ВХ-347 "Оққўрғон АШБ – Бука АШБ"

ВХ-344 "Оққўрғон АШБ – Қўйлик АШБ (Олимпик орқали)"

ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал)"

2. БИТТА ПАКЕТ БИЛАН:

ШИ-1 й.т. "Ангрн АШБ – Янги боғи сурух маҳалласи"

ШИ-4 й.т. "Юкумли касалликлар шифонаси – Ангрн қумир қони"

ВХ-323 "Ангрн АШБ – Увак киш-логи"

ВХ-417 "Янгиобод ш. – Тошкент АББ"

3. БИТТА ПАКЕТ БИЛАН:

ШИ-7 й.т. "Ангрн АШБ – Қамчиқ қурилиш қорхонаси"

ШИ-8 й.т. "Ангрн АШБ – Нозимхона – Ангрн АШБ (Айланма)"

ВХ-416 "Қизилтоғ қўрғони – Тўйтепа АББ"

4. ВХ-476 й.т. "Тошкент" ф/у – Беруний м.б. АШБ"

5. ВХ-224 й.т. "Гулбаҳор қўрғони – Эркин – С. Раҳимов м.б. АШБ"

6. ВХ-461а й.т. "Туркистон маҳалласи – Назарбек маҳалласи"

7. ВХ-412 й.т. "Оҳангарон АШБ – Убайт – Узар қишлоғи"

8. ВХ-413 й.т. "Оҳангарон АШБ – Эйвалек – Озодлик қишлоғи"

9. ВХ-475 й.т. "Ғиштқўприк маҳалласи – Юнусобод 9-даха АШБ"

10. ВХ-589 й.т. "Нодирбод маҳалласи – Юнусобод АШБ"

11. ВХ-288 й.т. "Жунариқ маҳалласи – САИМЭИ НИХИ"

12. ВХ-307 й.т. "Низебш қишлоғи – Гулбаҳор қўрғони"

13. БИТТА ПАКЕТ БИЛАН:

ВХ-546 й.т. "Марказий шифона – Академик лицейи"

ВХ-547 й.т. "Марказий шифона – Дахана маҳалласи"

ВХ-548 й.т. "Ғазалкент АШБ – Хумсон қишлоғи" (Бештут орқали)

ВХ-550 й.т. "Ғазалкент АШБ – Саёхат меҳмонхонаси бекати"

14. БИТТА ПАКЕТ БИЛАН:

ВХ-232 "Янгийўл АШБ – Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Янгийўл АШБ томондан)

ВХ-285 "Янгийўл шаҳар бозори – Бўясув ф/у"

ВХ-292 "Янгийўл АШБ – Ўқитувчи-лар олийгоҳи"

15. ВХ-232 "Беруний ф/у (Нурбой ота) – Янгийўл АШБ" (Беруний ф/у томондан)

16. ВХ-382 й.т. "Наврўз маҳалласи (Рохат қўли орқали) – Қўйлик АШБ"

17. ВХ-428 й.т. "Қўқонбул маҳалласи – Қўйлик АШБ"

Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташилари аналга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб қўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулоаси далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнаши учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айна битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналиш-

ларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ети банкротлик-босқинчида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер тақлилотчиси –

Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлар билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташили ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,

Лисувов қўчаси, 4/68-ўй.

Очиқ тендерда иштирок этиши хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташили ташкил этиш вилоят комиссияси тендер ҳужжатлари манзилни олиш учун Тошкент ви-

лоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсанотқурилиш Банк" (ОПЕРО ТПРФ УЎПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТЎТ 51600)га энг ҳам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориде пул ўтказиб, 2011 йил 9 декабрь соат 18.00 гача бюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташили ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифларини 2011 йил 13 декабрь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-ўй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.



